

# Маҳалла



РЕСПУБЛИКАМИЗ

МАҲАЛЛАЛАРИДА

ЖИЗЗАХ

Вилоятдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтган йиғилишларда шаҳар ва туман ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди. Мазкур йиғилишларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

СИРДАРЁ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмасининг мажлислар залида «Атроф-муҳит — аҳоли саломатлиги» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси, Гулистон давлат университети, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари иштирок этишди. Тадбирда Обод турмуш йилида маҳаллалар ободлигини таъминлаш, қолаверса, ҳудудларни саранжом-саришта сақлаш, атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилаш учун кўпроқ гул ва даракт кўчатларини ўтказиш, сувдан оқилна фойдаланиш лозимлиги хусусида фикрлар билдирилди.

СУРХОНДАРЁ

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан воҳодаги барча қишлоқ ва маҳалла йиғинлари ҳудудларини ободонлаштириш, уларда жамоат тартибини сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар, аҳолининг шахсий ва дала томирқаларидан самарали фойдаланишини ташкиллаштириш, хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрнатиш мақсадида кўмак гуруҳи ташкил этилди. Груҳ аъзолари жойларда бир ой давомида одамлар билан суҳбатлашиб, аёллар бандлиги, коллеж битирувчиларининг ишга жойлашиш аҳволини ўрганиб, ўтказилган хатлов сифати ва унинг натижаларини таҳлил этиди, лозим бўлганда амалий ёрдам кўрсатади.

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 30 январь. Чоршанба №9 (869) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

## ШАҲРИМИЗ ҚИЁФАСИ ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР БЎЛАДИ

Бугунги кунда ўзбек аёли деганда, кўз ўнгимизда фидойи, меҳнатсевар ва оқила, тадбиркор ва ташаббускор, элпарвар опа-сингиларимиз, мунис ва меҳрибон оналаримиз гавдаланади.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Хотин-қизларининг Республика конференцияси иштирокчиларига йўлаган табригида: «Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тим-соли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлиши, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зоти-га қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдига доимо қарздор, деб ҳис қиламиз», дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, аёлини улуғлаган халқнинг келажаги буюқдир. Юртбошимиз 2013 йилга «Обод турмуш йили», деб ном беришларини ҳам, аввало, оиланинг чиройи ва чароғони бўлган аёлларга юксак эътибор ва раҳбарликнинг олий намунаси сифатида эътироф этиш лозим. Чунки турмушимизни янада обод

қилиш бевосита аёлларимизга боғлиқ. Утган йили давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Ташриф давомида Юртбошимиз «Фарғона деганда, авваломбор, «Олтин водий» деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари булган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади», деганлари барча фарғоналиклар қатори мени ҳам руҳлантирди, ҳаяжонлантирди.

Сессияда айтилган гапларни завқ-шавқ билан тинглаб, бугун шаҳримиз маҳаллаларида амалга оширилаётган қурилушлар, янги иншоотлар, меъморий бинолар халқ учун, унинг порлоқ келажаги учун бунёд этилганидан қувончимиз чексиз.

> [2]

ИФТИХОР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## ҲАЛОЛЛИКНИ БОШҚАЛАР ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРГАНСИН

## ҲАР БИР МАҲАЛЛАНING ЧЕМПИОНИ БОР

Ўзбекистон футбол федерациясининг «Fair Play» («Ҳалол ўйин») соврини билан тақдирланган мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги таърифида: «Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади», деб таъкидладилар.

бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз ҳосилини бераётганининг аққол ифода-лантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги таърифида юртимизда спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида алоҳида ўтхатиб, Ўзбекистонга ФИФА совринининг берилгани ушбу йўналишдаги ишларимизни дунё тан олаётгани,

рининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир булган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, шунингдек, юртимиз футболнинг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида қатор ўзгаришлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Футболни кўлаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Жамғарма ани вақтда болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

> [4]

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

## ТУРМУШ ТЎКИСЛИГИ ГАРОВИ

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги таърифида: «Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади», деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, аҳолини иш билан таъминлаш давлатимиз раҳбарининг диққат-марказида турган улкан ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан биридир. Ҳукуматимиз томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликнинг турли шакллари ривожлантириш, айниқса, маҳаллаларни оилавий бизнес марказига айлантиришга қаратилган манзилли дастурлар замирида ҳам халқимиз турмушини янада яхшилаш, фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Андижон вилоятининг Олтинқул туманида утган йили ижтимоий аҳамияти беқиёс ҳисобланган мазкур масала ижросини таъминлашда бир қатор ижо-

бий натижалар қўлга киритилди. Чунончи, туманда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган режа 104,5 фоизга бажарилиди. Буни рақамларда ифодаласак, режа кўрсаткичи 4512 тани ташкил этгани ҳолда 4715 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ишчи ресурслари ортб бораётган бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг ваколатли органлар билан ижтимоий ҳамкорлиги натижасида туманда ушбу муаммо самарали ечим топмоқда.

> [3]

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

## РАИС АДОЛАТЛИ ИШ ТУТСА

маҳалладошлари ҳурмат қилади, қувватлайди ва унга эргашади

Тақдир экан-да, ёшлиги бир этак бола-чақаю тоғдек суняч булган турмуш ўртоғи билан ўтган аёл кексайганда яқкаланиб қолди. Бироқ уни овудошлари асло ёлғизлатиб қўйишмайдилар: доимо унинг ҳолдан хабар олиб туришади.

— Ҳанифа ая шу ерда яшайди, қани, марҳамат, — деди Ергазии ога шинамгина ҳовлини кўрсатиб. У бошчилигида дарвозадан ичкарига кирарканмиз, хонадон соҳибаси бизни мамнун қиёфада қарши олди.


— Таъмирталаб уй-жойимни эпакага келтириш имконини қилолмаётганим учун қўшниларимдан уялиб юргандим. Барака топишсин, узлари ташвишимни аритишди, бир кунда ҳамма жой бўтунлай бошқача бўлди, янги бўёқдан чиққан эшик-деризаларга, оқлаб-рангланган девору чиннидек топ-тоза супаларга қараб, қувониб кетяман, — дея овудошларини алқашга тушди ая.

Дарҳақиқат, Аяққудуқ овул фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ҳамда имконияти чеklangан фуқаролар ҳамisha эътиборда. Юртбошимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида утган йили 2 та хонадонга қорамол олиб берилди, 20 та кам таъминланган оилага эса, 25 тадан парранда тарқатилди.

> [2]

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

## ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ



Пулатида катта қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу хайри ишга қишлоқ тадбиркорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бу ерда ҳар куни бир ўзгаришга гувоҳ бўласиз. Айниқса, замонавий қишлоқ врачлик пунктининг қуриб берилиши жуда тез ўзлаштириб олишяпти. Ҳатто япон тилида бе-малол гапиришмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш

жоизки, Косон туманидаги Пулати қишлоғида ўзига хос хулқ-атвори инсонлар яшайди. Эркакалари аёлларини кўча ишларига аралаштирмайди, аёлининг вазифаси уй-рузгор юмушини удалашдан иборат, деб қарайди. Уларга бирор-бир гапни ўқитириш осон эмас эди. Албатта, турмуш тарзидаги ўзгариш улар-

нинг феъл-атвори ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шифокорлар томонидан айрим касалликларнинг аниқлангани ва уларнинг ўз вақтида оиди олингани одамларни соғлиқларига эътиборли бўлишга ундади.

Дарвоқе, қишлоқ врачлик пункти замонавий тарзда қурилган, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича энг зарур, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Қон ва биокимёвий таҳлиллар амалга оширилаётган лаборатория бўлими, физиоте-

рапия ва эмлаш хоналари мавжуд. Шунингдек, стоматология хизмати кўрсатиш учун зарур жиҳозлар мўҳайё этилган. Айниқса, УЗИ ускунаси касаликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашда қўл келмоқда. Пулатиликлар ушбу шифо масканини бежизга «клиника», деб аташмайди. Ахир, қанча бемор шу ерда даволаниб, шифо топти. Шифокорларга келсак, улар тажрибали, Тошкент шаҳридаги шифохоналарда малака оширишган.

> [2]

## ЭЪТИРОФ ҲАВАС ВА ҲАЙРАТИМНИ ОШИРГАН

Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда мамлакатингиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсати натижасида Ўзбекистонда юзлаб замонавий корхоналар ишга туширилаётгани нафақат менинг, балки жаҳон афкор оммасини ҳайратга солиб, ҳавасини келтиргани рост.

2012 йили Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг «Мицубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаватт қувватга эга буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Янги қурилмадаги барча технологик жараёнлар, химоя тизимлари компьютерлашган бўлиб, уларни ёш, малакали мутахассис кадрлар бошқараётир. 20 нафар ўзбекистонлик ёш мутахассис «Мицубиси» компанияси корхоналарида малака оширди.

Тўғриси, шогирдаримга нисбатан қалбимда улкан меҳр пайдо бўлди. Шу боис, компаниямиз билан Навоий иссиқлик электр станцияси ўртасидаги шартномага қўра, улкангизда японияликлар келаятганда мен ҳам Ўзбекистонга боришни истаётганимни айтдим. Мана, 6 ойдан бунён маҳаллий ёшларга бошқарув аппаратиде ишлашни ўргатиб келаяман. Улар компьютер орқали бошқаришни жуда тез ўзлаштириб олишяпти. Ҳатто япон тилида бе-малол гапиришмоқда.

Уйлайманки, ёшларнинг шундай камол топишида Ўзбекистондаги давлат сиёсати, шунингдек, яратилган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, маҳалла тузилмаларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни беқиёс. Айни пайтда мен касб ўргатаётган йигит-қизларнинг ишга қандай ёндашаётганини улар таълим олган касб-хўнар коллежлари ўқитувчиларидан ташқари, яшаётган маҳаллалари раислари ҳам сураб-суриштириб туришди. Очиги, маҳалла раислари бировнинг боласи учун шунчалик жон куйдиришни кўриб, миллатингизга хос меҳр-оқибатга қойил қолдим.

Яна бир жиҳат. Маҳалла фуқаролар йиғини аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилаётгани қанчалик ибратли иш. Масалан, биз билан ҳамкорликдаги қурилма ишга тушгач, шу ҳудудда истиқомат қилаётган 33 та хонадон бошқа жойга кўчирилди. Уларнинг турмуш шароити таъминланган уй-жойларга кўчириш, бузилган турар-жойлари учун банк томонидан муносиб ҳақ туланишида ҳам маҳалла бош-қош бўлибди.

Кармана туманидаги «Янги-обода» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Гулом Маматов билан дўстлашиб қолганман. У билан халқингиз ҳаёти ҳақида суҳбатлашиб тураман. Эшитганларим эса, ўзбекларга булган ҳурматини, ҳавасини, ҳайратини ошираётир.

Ёджи ЭНДО, Япониянинг «Мицубиси» компанияси мутахассиси.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪСИРЧАН ТАРҒИБОТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

мунтазам иштирок этишди.

— Фаолларимиз ташаббуси билан «Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш марказини» ташкил этганимиз, — дейди университет раҳбари, Тошкент давлат юридик институтининг доценти Мавжуда Абдулаева. — Марказда уч босқичли давра суҳбатлари уюштирилади. Уларда турмуш қуриш ёшидаги ўсириллар, ёш оилаларнинг вакиллари ва қайнона-қайноталар иштирок этиши кўзда тутилган. Анжуманларда малакали ҳуқуқшунослар, олий тоифали шифокорлар иштирок этишади.

Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йил ҳудудда нотинч оилалар сони камайиб, ажрим ҳолатлари қайд этилмади. Маънавий муҳит носоглом оилаларда вояга етган ўғил-қизларнинг тарбияси билан алоҳида шугулланилаётган. Уларни маҳаллада ва ўқув муассасаларидаги тўғрақларга, жисмоний тарбия машғулотида жалб этиш, зарур ўқув қуроллари ва спорт жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» имий-амалий маркази, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Урта-махсус, касб-хунар таълими, Маънавий тарбия марказлари, «Соғлом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаларининг қўшма қарорига асосан ишлаб чиқилган низоом оилалар мусхис Туалган Улмасов университет уюштиратган тадбирларда

ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, хонадонларда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга доир ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Бутун умумтаълим мактабларида тахсил олаётган ёшларининг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан уларнинг қизиқиши ва иқтидорига мос касбни танлашига боғлиқ, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфассал Валиева. — Шу боис, ота-оналар ва мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда ўғил-қизларнинг қайси соҳага қобилияти борлигини аниқлаш ва иқтидорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз.

Маҳаллаимиз қошида ташкил этилган тўғрақлар бу борада бизда жуда қўл келяпти. Аммо фақат ўз орзу-истаклари билан чекланиб, фарзандининг қизиқишларини менсимайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, бир маҳаллада шим ўлигининг темир йўл транспорт тизимида ишлашини истгани учун фарзандини шу йўналишдаги касб-хунар коллежига ўқишга қўйган. Йигит эса бу соҳага умуман қизиқмайди. Аммо ота-онанинг раъйини қайтаролмаган. Биз мактаб маъмурияти ва битирувчининг ўзи билан гаплашди.

Сўхбат давомида йигитнинг маънавий тарбияси ҳақидаги аниқ маълумот олишга қаратилган ишларни ҳам қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишимиз. Бу борада маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

РАИС АДОЛАТЛИ ИШ ТУТСА

маҳалладошлари ҳурмат қилади, қувватлайди ва унга эргашади



< [1]

— Ҳомийлар ёрдамида жўжа эмас, туҳмуха кирган товўқ сотиб олиб, беиш тарқатдик, — дейди Ергазин ога. — Жўжани парвартириш ҳаманинг ҳам қўлидан келмайди, бу нозик иш. Товўқни эса боқиб осонроқ. Ҳозир 20 та хонадонда парранда парвартирилиб, ўзидан ортан туҳмини қўшишларга сотиб, даромад ҳам қилинапти.

Ижтимоий ҳимояни манзили-мақсади тарзда амалга ошириш, ҳар бир сўм маблагнинг адолатли тақсими, ҳақиқий эгасига етказиш мақсадида йилнинг фаоллари доимий равишда аҳоли турмуш шароитини ўрганиб бормоқда. Уларнинг уйма-уй юриб, фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашини, ҳар бир оиладаги «паст-баланд»ни ўз кўзи билан кўраётгани бу борада жуда қўл келмоқда.

Шунингдек, овулда тадбиркорларни жалб этган ҳолда, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилади. Янги йил байрами арафасида Ҳомийлар маблаг ҳисобида 50 та кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. 2012 йилда 3 та оилага қорамол, 75 та оилага 25 данадан жўжа олиб берилди.

— Раис ижтимоий ҳимоя борасида қўрилган «Миллий таомлар ошхонаси» ишга тушди. Тадбиркор Бекзода Бердиев бунёд этган ошхонага оқсоқолнинг тақийфи билан кам таъминланган оила аъзолари ишга олинди. Овул фуқаролар йиғини ёрдами билан улар иш бошлашдан аввал вилоят марказидаги машҳур тамаддиҳоналарнинг тажрибали ошпазларидан хунар ўрганишди.

Томди туманидаги намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан яна бири «Томдибулоқ»дир. Мазкур овул фуқаролар йиғинида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида юқорида таърифлаганимиз йилнинг фарқли ўлароқ, замон талаблари асосида иш юритилмоқда. Жумладан, 2012 йилда 10 дан зиёд оилага ўз бизнесини шакллантириши учун банк кредити олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ҳудудда сервис хизма-

Холби САФАРОВА «Mahalla»

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

Замонавий шифо маскани

< [1]

— Ҳукуматимиздан миннатдоримиз, элимиз соғлиғига қайғуриб, етарли шарт-шароит ярати бераяпти. — дейди шу қишлоқлик Голибхон Исмоилов. — Илгари дўхтарига қўришни келиш учун кўни буйи вақтинчи кетарди. Бундан ташқари, йўл ҳаражатларини айтмайсизми. Мана энди шифохона ёнгинамизда. Хонадонимизга ҳам файз кирди, ҳамма жой тоза-озода. Бу ҳам шифокорларнинг таъсиридан.

Ҳа, қишлоқ врачлик пункти шифокорлари «таъсири» тўғрисида қарашлар, одадлар ўзгарди. Ҳеч ким қариндошга қиз бермайдиган, қариндошдан қиз олмайдиган бўлди. Бунинг салбий оқибатларини ёш қари англаб етди. Одамлар сиртқи ичимликлардан тийилиб қолди, нос, тамаки чекувчилар камайди. Ҳар бир хонадонда ҳаммом қурилди. Эрлар аёлларига меҳр ва эътибор билан қарашга одадланганиди. Ахир, соғлом фарзанд қўришни ким ҳам хоҳайди дейсиз. Шифокорлар соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини мудом қўйнонага қайнота, эркак аёлнинг қулоғига қўйишади.

Аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш изчил йўлга қўйилди, турли хил экстрагенитал касалликлар ўз вақтида аниқланаётган. Бундай беморлар алоҳида эътиборга олинди, соғломлаштириб боришмоқда. Ҳомиладор аёллар ҳисобга олиб борилиши билан бирга, оилада уларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилиши, бу эса соғлом фарзанд дунёга келишида муҳимлиги тушунириб боришмоқда. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар Қарши шаҳридаги она ва бола скрининг марказига текширувга юборилиб, гудакларнинг дунёга соғлом келишига қўмақлашмоқда.

— Ҳаракатларимиз бесамар кетмаётганидан хурсандимиз. — дейди ҚВП бош шифокори Шўҳрат Халилов. — Элимиз ўз соғлиғини ўзи назорат қилиб боришни ўрганди. Айниқса, турмуш қўрмоқчи бўлган ёшларимиз ўз ихтиёрлари билан тиббий қўриқдан ўттишаётган.

Буларнинг бари фуқаролар йиғини билан қишлоқ врачлик пункти ҳамкорликда олиб бораётган тарбия-ташвиқот ишлари натижасидир. Маҳалла фаоллари ҳамда шифокорлар маҳалла ҳамширалари билан биргаликда турли хил тадбирлар ташкил этиб, уйма-уй кириб-чиқиб, оилалардаги рўзгор тутими, озодалик билан танишни баробарида оила мустақамлиги, соғлом турмуш тарзи, саломатлик, узоқ умр кўриш сирлари, оқддий генетик талаблар ҳақида маслаҳат ва тушунтиришлар беришади.

— Одамларга спортнинг саломатликка ижобий таъсирини айта-айта, мана, бутун мақсадимизга эришдик, — дейди фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Турраев. — Ёшларни-ку қўя туринг, катталар ҳам спортга қизиқиб қолди. Йиғинимизга қарашли 2 та спорт мажмуамиз бор. Тадбиркорларимиз қўриб беришган. Ҳозир шу мажмуаларимиз эртдан кечгача турли ёшдагилар билан тавжум.

Яна бир эътиборли жиҳатини айтишни унутимиз. Пулатидаги қишлоқ врачлик пункти 2011 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тосмонидан ўтказилган «Энг намунали ҚВП» республика кўрик-танловда иккинчи ўринни қўлга киритди. Ишларнинг намунали ташкил этилгани, турли хил юқумли касалликларнинг, ногиронликнинг одди олингани, тиббий қўриқларнинг мунтазам ўтказиб борилаётгани аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг ошганидан далолатдир.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

ШАҲРИМИЗ ҚИЁФАСИ ГЎЗАЛ ВА БЕТАҚРОР БЎЛАДИ

< [1]

Бугунги кунда нафақат шаҳримиз кўрки-салобати, баки ҳақимизнинг дунёқарашини, тафаккури, ҳаётга муносабати ҳам тубдан ўзгарган. Биргина «Фаргона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмаси объектларини тузиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бўйича амалга оширилган дастлабки ишларнинг ўзиёқ сўлим Фаргона яқин кунларда дунёнинг энг гўзал масканларидан бирига айланишидан далолат.

Шу кунгача шаҳримиздаги 70 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 30 тақсиди кичик ҳалқа йўли қуриш, реконструкция ва маънавий-хизмат объектларини барпо этишга йўналтирилган ишлар қизғин бораётган. Ҳукумат қарори асосида Аэропорт, Баҳор, Оқариқ, Сойбўйи, Темирийўл, Фаргона бекати-2, Истиқлол, Қашқар, Алишер Навоий номидаги, Хужанд, Маърифат, Маданият ва бошқа марказий кўчалардаги 587 тадан зиёд аҳоли хонадонлари қайта қуриллаётган.

Юрт истиқболи ва равақли, фарзанд-

лар камолоти йўлида олиб борилаётган эзгу ишларга маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, муносиб ҳисса қўшишапти.

«Ифтихор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги Аэропорт кўчасида 32 та хонадон реконструкция қилинди, янги типдаги икки қаватли уйлар ва замонавий талабларга жавоб берадиган кичик стадион қурилиши якунига етмоқда. Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли хонадонларининг бузилиш ва қайта қуришига тушганлари қадар ҳомийлар томонидан ижара ҳақларини икки йиллик шартнома асосида тўлаш йўлга қўйилди.

Утган давр мобайнида Давлат дастури доирасида 164 миллиард сўм ва 12,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблаглар ўзлаштирилди. Авваламбор, 11 километр узунликдаги ҳалқа йўли ва 2,8 километрик маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўли қайта таъмирланди. Шу билан бирга, 225 тадан ортиқ ижтимоий-маънавий бино ва хизмат кўрсатиш объекти, 2 та кўпқаватли уй-жой, 2 та бозор, 5 та истироҳат боғи ва хиёбон-

лар, 8 та фаввора янгидан барпо этилди. Шунингдек, 13,5 километр ичимлик суви ва 5,5 километр газ қувурлари ўтказилди, 32 та трансформатор, 105 километр узунликдаги электр тармоғи капитал таъмирланди.

Мазкур қарор тўғрисида халқимизнинг эртани кунга ишончи, бунёдкорлик, иш-жўра ошмоқда. Шаҳар миқёсида ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий соҳа объектлари, 50 дан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Кичик ҳалқа йўлининг қуриб битказилгани нафақат фарғоналиклар, балки шаҳримизга келаётган минглаб авлодларга ҳам қўлайликлар яратмоқда.

Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг барчаси Фарғонани том маънода гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантиради. Бу эса, барчамизни меҳр-муҳаббат билан Ватан тарққийети йўлида дадил қадам ташлашга ундайди.

Дилфуза ХҲЖАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фаргона шаҳар бўлинимаси раиси.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ

КУЧЛАР БИРЛАШГАНДА МУАММО ЧЕКИНАДИ



< [1]

Наманган шаҳридаги «Еттиқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акромжон Азизов Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказининг Наманган вилояти бўлимига Жўра Қаюмов номидаги янги даҳага газ қувури ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий лойиҳани тақдим этди. Лойиҳа маъқуллашиб, айни пайтда қишлоқни газлаштириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Эътибор беринг-а, маҳалла раисининг ташаббуси тўғрисида бугун бир даҳа «эангро олов» билан таъминланмоқда. Қанчадан-қанча уй бекаларининг юмушлари енгиллашиб, хонадонларга иссиқлик кириб, аҳолининг яшаш шароити янада яхшиланмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларни илгари сўраётган фуқароларни бирлаштириб, уларга зарур йўл-йўриқлар кўрсатаётган «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти негизда фаолият юритаётган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари билан фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги мустақам ҳамкорлик қўзғалган мақсад сари дадил ойналашга хизмат қилмоқда.

— Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари ҳар бир вилоятда ташкил этилган бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солиди, жадаллаштиради, — дейди «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» ижро-чи директори Азиза Хўжаева. — Ҳар бир фуқаро ўз маҳалласининг, туман, шаҳар, умуман, ижтимоий ҳаётини яхшилашга қаратилган гоёси билан ушбу ахборот марказларига қўмақ сўраб мурожаат этиши мум-

кин. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказларида бугунги кунгача консултив, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам олиш бўйича 5484 та мурожаат келиб тушди. Вилоят ахборот марказларида фуқароларга 4415 марта фойдаланиш маслаҳатлар берилди.

2012 йил мобайнида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» томонидан республикамизда фаолият юритаётган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари орқали 705 та лойиҳа қабул қилинган. Шунингдек, «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий аҳамиятга молик бизнес-лоийҳаларни амалга ошириш натижасида 730 та янги иш ўрни яратилди. Демак, шунча хонадонга фойзу боради.

— Молиявий жиҳатдан барча ташаббусларни қамраб олиш қўйин кечини табиий, — дейди Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказининг Фаргона вилояти бўлими раҳбари Нурхон Қўжаматов. — Бирок қурилиш бирлаштирсак кўп нарсга эришиш мумкин. Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинларининг қўмағи асқотмоқда. Чунки ҳамкор ташкилотлар орасида маҳалла тизимининг аҳолини бу йўналишга жалб этишда ёрдамни ҳеч қайси муассаса билан қийёслаб бўлмайди.

Утган йили ўмурий ҳисобда тадбиркорларга 4 млрд. 527 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга қўмақлашди. Албатта, бу ишларда маҳалла мутасаддиларининг ҳам ҳиссаси катта. Чунки ҳар бир фуқаро ўзининг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусини, аввало, маҳалла фаоллари «чиғирини»дан ўтказди. Сабоби, ушбу

лоийҳани такомиллаштиришда йиғин мутасаддилари ва фаолларининг қимматли фикрлари қўл келиши аниқ.

Мисол учун, жинзаҳлик тадбиркор Ҳилола Умарова анчадан бери тикувчилик курси очиниши дилга тугиб юрарди. Бир кунги маслаҳат сўраб, ўзи яшайдиган «Миршор» маҳалласида мурожаат қилди. Йиғин фаоллари унинг бу эзгу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, «Микрокредитбанк»нинг Жинзаҳ шаҳар филиалидан имтиёзли кредит олишга қўмақлашди. Айни пайтда «Умарова Ҳилола» хусусий корхонасида маҳалла аёллари тикувчилик сир-асрорларини ўрганиш билан бирга, ўз уйларида касана-чилик асосида буюртмачиларга кийим-кечак етказиб бермоқда.

— Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлайдиган омборхона қуриш ва жиҳозлаш мақсадида Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказининг Самарқанд вилояти бўлимига мурожаат қилдим, — дейди тадбиркор Абдурафиқ Ҳамидов. — Ахборот маркази қўмағи билан бандан 340 миллион сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Маҳсулотларини сақлайдиган омборни қуриб битказиб, фаолиятини бошладим. Натижада маҳалла ёшларидан 20 нафга муҳим ишли бўлди. Бунинг учун менга яқиндан ёрдам берган барча ташкилотлар, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви мутасаддиларига миннатдорлик билдираман.

Таъкидлаш жоизки, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказларига тушаётган тақлиф ва ташаббусларнинг барчаси аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга қара-

тилаётган. Бу борада ҳамкор ташкилотлар кўчларининг бирлашуви натижасида аҳоли пунктларида электр энергияси билан боғлиқ муаммолар тезда бартараф этилмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Қўрай тумани «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги ер остидан ўтган юқори қўла-нишли кабеллар эскиргани ва ер ости сувлари таъсирида яроқсиз ҳолга келгани оқибатида аҳоли электр энергиясиз қолган. Маҳалла фаоллари, айниқса, йиғин раиси Шаҳодат Жалоловнинг елб-ногуриши натижасида 5 та эски симёғоч 12 метрли бетон ўстуналарга алмаштирилди. Айни пайтда 150 та хонадонга узулкис электр энергияси етказиб берилмоқда.

Узини шу юрт фарзанди билган инсон борки, элга нафим тегса дейди. Энг муҳими, мамлакатимизда давом этаётган кенг қамровли ислоҳотлар, улкан ўзгаришларга бефарқ бўлмаган фуқаролар ўз орзу-интилишларига эришиш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш заруриятини англаб етмоқдалар.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат қўлигини яхши англаган «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти мутасаддилари яна бир хайрли лойиҳага қўл урди: янги «Ижтимоий хизмат» йўналиши ишга тушди. Унинг фаолияти ижтимоий воқеликни ўрганишга, муаммоларни бартараф этиб, уларни таҳлил қилган ҳолда, ҳамкор ташкилотлар, орқали тавсиялар ишлаб чиқиб, ижтимоий тадқиқотлар ўтказишга йўналтирилган.

Томбжон НИЗОМОВ «Mahalla»

АХОЛИ БАНДЛИГИ

ТУРМУШ ТЎКИСЛИГИ ГАРОВИ



Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва модернизациялаш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, шунингдек, касаначилик, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ҳамда фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига Давлат дастури ижросини таъминлашда самарали ютуқлар қўлга киритилапти. Энг муҳими, ҳар бир қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли соҳиба доир қўрсаткичлар изчил таҳ-

маълумотни тақдим қилиб бериш йўлга қўйилган.

Ҳамкорликдаги ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси улароқ, утган йили Қумакай қишлоғи ҳудудида жойлашган «Кезар текс» маъмулият чекланган жамиятига 26 нафар йиғит-қиз ишга қабул қилинди. Жалабек қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Фикентекс-Анджон» Ўзбекистон — Малайзия хорижий шўба корхонасида ҳам маҳаллий ёшлар учун 26 та янги иш ўрни яратилди. Йил давомида маҳаллалардаги ишсиз фуқароларнинг 415 нафари эса туманда намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар барпо этиётган қурилиш ташкилотларига бириктирилди.

— Янги йил арафасида, — дейди тадбиркор Фозилжон Асроров, — яқин ҳамкоримиз — «Олтинқул тонги» хусусий корхонаси томонидан туман марказидаги собиқ универсал магазин мукамал таъмирланиб, замонавий тўйхонага айлантирилди. Бу қўшқаватли бинонинг қўйи қисмида миллий таомлар ошхонаси ҳамда кийим-кечак маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиладиган 10 та дўконни ишга туширдик. Натияжада мажмуада юзгага келган 30 дан зиёд янги иш ўрнига қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг тавсия ва мас-

лаҳатлари билан «Марказ», «Ижтимоият», «Намуна» маҳаллаларидаги ёшлар жойлаштирилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши ўз ҳудудида яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан, касаначиликни ривожлантиришга қўшқаватли лойиҳаларни белгилашга, ана шу вазифани зиммасига олган маҳаллалар мутасаддилари бутун ўз ҳудудларида муайян йўналишлар бўйича томорқа хўжалигини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганлар.

— Туманимизда 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Замирахон Йўлдошев. — Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ҳар бир маҳалланинг ўз қиёфаси, ўз иш тутуми бўлиб, деган тамойил илгари сурилгани аҳолининг имкониятларини янада кенгайтиряпти. Бизда Уйшун ва Қумакай қишлоқлари гулчилик ҳамда иссиқхона хўжалиги йўналишларида тула ихтисослашган. Қўшпесаройнинг «Аълам» маҳалласида теракчилик ривож топишти. Олтинқул қишлоғининг «Офтобчак» маҳалласи аниқ анос етиштириш билан астойдил шуғулланипти. «Мамаюсуфчак»

маҳалласида оилавий бизнеснинг иссиқхона тармоғи кенг қўлақ эзоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Маҳаллалар фаоллари тутаётган бундай йўл, аввало, тўқин-сочинликни таъминлашга қаратилаётган экан, табиийки, бу бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётди. Туман Анджон шаҳри яқинида жойлашгани боис, шаҳар бозорларидаги харидорчи ноз-неъматларнинг катта қисми олтинқуллик тадбиркорлар ҳиссисига тўғри келаётди. Бандлик муаммосининг муайян жиҳати бевосита оилада ҳар кимнинг маълум бир иш билан таъминланганига боғлиқ экан, айнан хонадонларда томорқа ва дехқон хўжаликларини қўлайитириш билан ҳам қўзланган натижаларга эришилаётди.

Бугун маҳаллалар том маънода мўъжаз тадбиркорлик марказларига айланипти. Узининг оилавий бизнесини йўлга қўйиб, турмуш шариоитини юксалтираётган, қолаверса, маҳалласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган юрдошларимизнинг меҳнатлари тўғрисида қишлоқларнинг тобора кўркам, ҳалқимизнинг турмуши янада обод бўлаётди.

Абдулмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

ХУШХАБАРЛАР

«MAN-Uzbekistan» дан мингта махсус техника



Юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи «JV MAN Auto — Uzbekistan» маъсулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси 2013 йилда 1 минг дона махсус техника ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи бўйлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларининг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонаси бу йил 1 минг дона махсус техника — самосваллар, бетон қорадин машиналар, автокранлар ва бошқа шунга ўхшаш техникаларни ишлаб чиқаради. Ўз навбатида, жорий йилда «MAN» автокорхонасида маҳаллийлаштириш ишлари 14 фойзага етказилиши режалаштирилмоқда.

Ижтимоий лойиҳаларга бевараз ёрдам

Япония ҳукумати кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга бевараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида республикамизга 1,47 млн. АҚШ доллари миқдорида грантлар ажратди.



Мазкур маблағлар юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган 14 та таълим, тиббий кизмат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳаларга йўналтирилди. Лойиҳалар бир йил давомида амалга оширилади. Грантлар Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилояти ва Тошкентда жойлашган бешта урта мактаб, Сурхондарё ва Анджон вилоятларидаги учта мактаб-интернатга берилади. Маблағлар мазкур ўқув масканларида ўқиниш шариоитларини яхшилашга сарфланади.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти перинатал маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Анджон вилояти ногиронлар реабилитация марказларига тиббий ускуналар харид қилиш учун грантлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги учун сув каналлари ҳолатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган яна учта лойиҳани молиялаш ҳам режалаштирилган. Лойиҳалар Хоразм, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади.

«Matiz» — энг сеvimли машина

«GM Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган «Matiz» автомобили 2012 йил якуналарига кўра Украинада тежамкор автомобиллар орасида энг кўп сотилган модел бўлди.



зилан рейтингта кўра, утган йили Украинада ҳам ёқилиш сарфловчи машиналар савдоси энг катта қўрсаткиччи қайда этган. Уларнинг орасида эса харидорлар айнан «Matiz»га кўпроқ талаб бидиришган. Утган йил давомида бу мамлакатда жами 2,8 минг дона ана шундай жажжи автомобиль харид қилинган. Бу эса, рабобатчи машиналарга нисбатан уч марта кўп демекдир.

Ушбу рейтингнинг иккинчи погонасини Жанубий Кореянинг «Hyundai i10» автомобили эгаллади. «Peugeot 107» модели эса учинчи бўлди. Туртинчи ва бешинчи ўринларни мос равишда «Chery QQ» (Хитой) ва «Kia Picanto» (Ж.Корея) эгаллади.

Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи «RST.ua» сайти томонидан ту-

КОРАҚЎЛЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Фермернинг кўнглида эзгу ишлар кўп

Қорақўл туманидаги «Мўйначи ҳунарманд» фермер хўжалиги раиси Бобоқул Йўлдошев ва ушбу хўжалик аъзолари юз гектар экин майдонидан қўзланган ҳосилни йиғиб олган бўлсалар-да, ҳануз тиним билишгани йўқ.



нимиздан сўнг хомашёга кетадиган сарф-харажатлар кескин қисқарди. Айни пайтда 30 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган ҳақда бир йилда уртача уч минг дона қорақўл тери қайта ишланиб, бежирим либослар тайёрланаётди.

Дарвоқе, корхона либосларининг дизайни ҳам шу ерда яратилди. Тадбиркорнинг қизи Насиба Бобоқулова яратган «Қор қироличаси», «Модалар маликаси», «Гули», «Гули-10» сингари моделлар дизайнерлик соҳаси бўйича утган танловларда муносиб тарзда рағбатлантирилди. «Мўйначи ҳунарманд» маҳсулотлари нархининг ҳамён-боғлиги, юқори сифати билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга бўлиб бораётди. Буни сўнгги йилларда тикув чехида тайёрланган маҳсулотларнинг аксарияти хорижга экспорт қилинаётганидан ҳам билиши мумкин.

— Бобоқул Йўлдошев маҳаллада янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этишда бир қатор хайрли ташаббусларни тақдим қилди, — дейди «Қозон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Бобутов. — Чунонки, тадбиркор маҳалла марказида чет эл технологияси асосида кунига 30 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга ун тегиримонини ишга туширди. Натияжада яна 20 нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркор ўз маблагга ҳисобидан қишлоқ ёшлари учун замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт мажмуасини барпо этиб, фойдаланишга топширди. Бундан ташқари, маҳалланинг ободонлаштириш ишлари комиссияси раиси сифатида ҳудуддаги қабристон, ариқ ва каналлар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ички йўлларни таъмирлаш ҳам ташаббус кўрсатади. Лозим вақтларда бу ишларга ўз маблаглари ва тасарруфидати техникаларини беминнат жалб этмоқда.

Дарҳақиқат, Юртошимиз таъкидлаганларидек: «Замонавий фермерлар нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ишлаб чиқариш, саноат, аҳоли турмуш маданиятини ошириш соҳаларини ҳам ривожлантиришда ўз ҳудудида етакчи бўлиши лозим». Бобоқул Йўлдошев айнан шундай вазифаларни сидқидилдан адо этаётди.

Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»

СОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Кундузи ҳам, кечаси ҳам ҳушёрликда ўтади



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Дилшод Маҳқамов — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Гул қишлоқ фуқаролар йиғинида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари. Етти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда утган йилда бирор марта ҳуқуқбузарлик ҳолати қайда этилмади.

Асосан, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланиб, меҳнат ортидан барака топаётган гулчилик сардорнинг жонкуярлиги, доимо эл-юрт ташвиши билан елиб-югуришини эътироф этишди.

— Қаерда лоқайлик, қоқибегамлик авж олса, уша жойда ималгар идиз отади, — дейди Дилшод Маҳқамов. — Кўп йиллик кузатишларим, тажрибаваримдан аҳолини фойдала меҳнатта жалб этиш, зарур ҳолларда даромад топиш йўл-йўриқларини ўргатиш ҳудудда осойишталикни таъминлашга бевосита даҳдор эканига амин бўдим. Шу боис, қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳаллалар билан ҳамкорликда аҳолини фойдала машғулотларга жалб этиш чораларини кўрмоқдамиз.

Ҳамкорлар кўмағида рўзгорига фазил кирганлардан бири — Тоҳир Қўлдошев. Жиноят қўчасига билмай

қандам қўйган бу йиғит жазони ўташ муассасасидан уйига қайтган, маҳалла-қўйдан ўзини олиб қочадиган бўлди. Ҳеч кимни тинглагиси келмас, ўз ёнига ўзи қовурилди тўғи. Сардор Дилшод Маҳқамов ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Назира Салоҳиддинова, йиғиннинг диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шоҳиста Аблобердиева ниҳоят йиғитда қайноқ ҳаёт шуқударига, ҳалол меҳнат завқини ҳис этишга маълумлик уйғотишди. Айни пайтда Гулдаги «Санд Умид» фермер хўжалигида меҳнат қилаётган бу йиғит сардордан, йиғин мутасаддиларидан миннатдор.

Сардор ишини соҳага оид қонун ҳужжатлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг услубий ва амалий ёрдамлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти бўйича

Юдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Даромадингизни декларациялашни унутмадингизми?

Мамакатимиз Бош Қомусида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, солиқларни вақтида тўлаш ана шундай мажбуриятлар сирасига киради.

Даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ солиш муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига оид тартибга солинади. Унга кўра, декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларнинг мулкий даромадлари, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинадиган бўлса, шунингдек, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муамлифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар ва солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар киради.

Эътибор бериш жонки, агар солиқ тўловининг асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўланилган ҳолда ишлаб қўлинг бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги энгма аризасидан иборат бўлади ва доимий яшаш жойидаги давлат даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

беш кунлик муддатда, агар бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса. Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугатган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ушбу ҳақда маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида бидиришнома топиришга ҳақлидир. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқаришган, жисмоний шахслардан олинган даромад солигини утган солиқ

даврдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар. Ҳисоблаб чиқаришган даромад солигини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаш ҳам мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинган, миллий валютада ифода-ланган солиқ жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўланган даромад солигини Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Ила тугатган, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган даромад солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнига солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши лозим. Амадаги қонунчиликда солиқ декларациясини белги-ланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан эса, молиявий жарималар қўлаш кўзда тутилган.

Фуқаролар айрим сабабларга кўра, бевосита давлат солиқ органларига бориб декларацияни тақдим эта олмасалар, уни жойлардаги почта алоқаси бўлимлари ёки интернет орқали электрон тарзда ҳам юборишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, қонун доирасида тўланиши мумкин бўлган тўлов-ни ўз вақтида амалга ошириш учун юртимизда барча шарт-шароит мўҳайё қилинган.

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВ, Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси шўба бошлиғи.

ИФТИХОР

ХАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЧЕМПИОНИ БОР



лий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпио...

Юртимизда нафақат футбол, умуман, спортни омвий ҳаракатга ай...

спорт тўғрақларига жалб этишга кизиқ...

— Маҳаллалар ҳудудда қад рости...

Шуларни инобатга олиб, уч мингга яқин фуқаролар йигини ҳудуд...

2012 йил 1 мартдаги кўрсатмасига би...

Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша...

Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша...



Самолёт кулаб тушди

Қозғоғистоннинг Олма-Ота шаҳри яқинидаги Қызылту аҳоли пунктида «CRJ-200» йўловчи самолёти ҳалокатга учради.



Бунинг оқибатида самолёт бортида бўлган 5 нафар экипаж аъзоси ва 15 нафар йўловчининг барчаси ҳалок бўлган, деб хабар беради «Скат» авиа...

компанияси маълумотларига таянган «Риа Новост».

Самолёт Кокчетав-Олма-Ота йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган эди. Ноқулай об-ҳаво шароитида биринчи уринишда қўна олмаган лайнер иккинчи уринишда ерга ури...

«Скат» қора қўтидаги ёзувлар урганилган, бу ҳақда расмий ахборот беришни билдирган. Айрим манбаларда унинг бортида 20 кишидан зиёроқ одам бўлгани айтилмоқда.

Тунги клубда йирик ёнгин

Бразилиянинг Санта-Мария шаҳрида тунги клубда чиққан ёнгин оқибатида 232 нафар киши ҳалок бўлди, 131 киши турли даражада жароҳатланди.



Воқеа яқинбаға утар кечаси соат 02:00да рўй берган. Пиротехника воситасидан қақнаган ўқунинг шифрдаги овоз ўтказмайдиган материалга теги...

ши оқибатида келиб чиққан ёнгин саноқчи дақиқаларда бутун бинони қамраб олган.

Шу кунги клубда рок гуруҳининг концерти бўлаётган эди. Унга тахминан 1000 киши тўланган.

Томошабинлар ёнгин чиқиши билан ташқарига интилишганида остонада трибунизмлик юзага келган. Ўт учирувчилар 3 соатда алангани барбарфак этишга муваффақ бўлишди.

Муҳим воқеа сабаб мамлакат Президенти 3 кунлик мотам эълон қилди.

Назорат тикланмоқда

Мали ва Франциянинг бирлашган ҳарбий кучлари Тимбукту шаҳрини Мали ҳукумати назорати остига қайтаришди.



Бу ҳақда «Sky News» телеканали хабар берди. Тимбуктуга яқинлашган ҳукумат қўшинлари жангариларнинг қаршиликларига учрамаган. Таъқиланишича, ҳукумат аскарлари шаҳарни тинч аҳоли орасига яшириниб олган жангарилардан тазолаш, шунингдек, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган жойларни сақлаб...

Малидаги ҳолат сўнгги ҳафтада янада кескинлашган — жангарилар мамлакат марказида ҳукумат қўшинларига қарши шиддатли ҳужумга ўтишган. Айтилган мамлакат ҳудудда Франциянинг 2 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилари мавжуд.

«Эл Паис»да сохта сурат

Испанияда чиқадиган машҳур газеталардан бири — «Эл Паис»нинг биринчи саҳифасида Венесуэла президенти жуда ўхшаш кишининг расми чоп этилгандан кейин таҳририят зудлик билан ушбу сонни сотувдан йиғиштириб олишга мажбур бўлди.



Таҳририят Кубада саратон касаллигига қарши даволанаётган Уго Чавеснинг ушбу суратини 30 минг еврога сотиб олган ва уни эхсклюзив материал сифатида чоп этган. Ле...

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Тўйлар ҳақида ўйлар

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги «2011—2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базисини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб бера...

«Эрга тегиш навбати энди меники...»

деб мақтанайётган қизлар ёхуд рафиқасини кўз-кўз қилишдан уялмаётган йигитлар хусусида



Халқимиз тўй куни йиққан-терганини маҳалла-қўй билан баҳам қўриш мақсадида эл-юртга дастурхон ёзади. Аммо ортиқча дабдабозлик ва бошқа халқларнинг анъаналарига кўр-қурона эргашиб оқибатида айрим тўйларимиз миллий урф-одатларимиздан узоқлашаётгандай.

Яқинда бир танишим тўйларга четдан кириб келаятган антиқа одатлар ҳақида куйиниб гапирди. Унинг айтишича, қизи кўёв бўлиши билан вальси ургатадиган курсга қатнашмоқчи экан. Табиийки, у бунга мутлақо қарши. Аммо қизи бу одатнинг алаҳқачон урфа кирганини айтиб, онасини эскича фикрлашда айбалади.

— Ниҳоят бағида вальста тушиши миллий анъаналаримизга мутлақо сохтас эмас, — дейди Юнусовод туманидаги «Минггурик» маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мавлуда Ойдова. — Бу одат кириб келганида дастлаб кимдир ҳавас билан, кимдир ажабланиб қарагани рост. Эндиликда эса келин-куёвнинг бир-бирини қучоқлаб тебранишга ёшۇ қари кунлик қолди. Ушбу жойда келиннинг отаси, акаси, аммаю холаси турса-ю, у уялмасдан кўёв билан қўтиқлашиб рақсга тушса. Қани келинлик ибоси, бошқалар ҳавас қиладиган миллийлик! Бат-зи йигитларимизнинг ўз рафиқаси-

ганча: «Энди ёшларимизнинг қай тарзда танишгани ва бирга ҳаёт кечиришга қарор қилишгани ҳақидаги видеолавангиз сизларга тақдим этамиз. Диққатингизни экранга қаратишингизни сўрайман», деди тантанали оҳангда. Катта экранда келин-куёв худди актёрлардек роль ижро этишди. Яъни танишув пайти, учрашувлар, гул ҳада этишлар намойиш қилинди. Ёшлар экранга ҳавас билан қарашиб, йигит билан қизнинг қучоқлашганини кўриб, чапак чалиб қийқиришди. Аммо ушбу тўйхонада утирган катта ёшдагиларнинг кўзидан бошқача маънони ўқиш мумкин эди. Бу ишлардан ўша келин-куёвнинг ота-онаси ҳам хабардор-ку. Наҳотки улар фарзандларини бу бачкана ҳаракатлардан қайтармаган. Ачинарлиси, қайсибир тўйда бошланган бундай беъмаъий «урфлар оммалашиб кетмаслигига қафолат йўқ.

Келин-куёвнинг бир-бирга торт едириши ва қайноналарга улаштириш ҳам бизга Габридан кириб келган. Келинини давра уртасига келиб орқасини ўтирганича қўлидаги гулдастани иргитишини фақат хориж фильмларида кўрадрик. Ҳозир эса бу одат бизда ҳам авж олиб кетди. Ушбу отилган гулдастани илаб олган абжир қиз гурури билан атрофдагиларга уни курсатиб мақтаниб ҳам қўйди. Бу «эрга тегиш энди менинг гаим» деган маънони билдиради.

Ёшларнинг баъзан тушуниб-тушунмай, кўр-қурона тақлид қилаётганлари ҳавотирлидир. Асида янги «урф»ларнинг урчиб кетаяётганига сабаб миллий қадриятларимизни менсимаятганимиз, дабдабозлик ортидан қўваётганимиз оқибати эмасмикин? Наҳотки, бундай беъмаъий одатларга мойиллик билдираётган ёшларимизда аждодларимизга хос ҳар бир ишга қалб кўзи билан қараш ва қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш мушкул бўлса? Ахир тўй миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ифодаси эмасми?

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

ФУТБОЛ

«Пахтакор» — Осиёда учинчи

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) Осиё қитъасининг XXI асрдаги энг кучли футбол клублари рейтингини эълон қилди. 300 футбол клуби киритилган мазкур рўйхат 2001-2012 йиллардаги расмий мусобақалар натижалари асосида тузилган.



Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор натижа-сида ўзбекистонлик футболчилар халқаро майдонларда юксак ютуқларга эришмоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилот томонидан эълон қилинган рейтинг жаъвалида ҳам ўз ифодасини топти.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё қитъасининг асримиздаги энг кучли жамоалари рейтингиде 943 балл билан учинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» ва «Ал-Иттиҳод» жамоаларига насиб этди. «Пахтакор» мустақиллик йилларида

Ўзбекистон миллий чемпионатида тўққиз, мамлакат кубогига ун бир марта бош совринни қўлга киритган. Ҳар икки кўрсаткич бўйича юртимизда рекорд ўрнатган «Пахтакор»лар Осиё чемпионлар лигаси ташкил этилган(2002 йилдан) бугун унда узлуксиз иштирок этиб келаётган яна жамоадир. «Пахтакор» бу мусобақада икки мартаба 2007 йил мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги ва Болтқубуйи мамлакатлари чемпионлари кубогини қўлга киритган.

«Пахтакор»дан кейинги ўринларни Жанубий Корея, Япония, Эрон ва Кувейт жамоалари эгаллаган.

Table with 3 columns: 'ЎҚТАМХОН НУР ЗИЁ' (Reading list), 'Ҳар ойнинг биринчи кунинда янги гуруҳ очилиди.' (Monthly book club), and 'ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ' (Reading schedule).

ЎҚТАМХОН НУР ЗИЁ Ўқув маркази ўқишга тақлиф қилади! Ҳар ойнинг биринчи кунинда янги гуруҳ очилиди.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ Тошкент автомобиль йўллар институти балансидеги 1992 й. и/ч, д/р 10ВВ409 бўлган «ГАЗ-31029» ва 2000 й. и/ч, д/р 10АФ759 бўлган «ГБА СНГ ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Mahalla logo and contact information: Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, Телефонлар: 236-53-93, 233-10-73, 236-53-75, 236-57-62, Факс: 233-39-89.

Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, ISSN 2010-7013, info@mahallagzt.uz, 22830 нусхада чоп этилди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Маг'буот кўчаси 32-уй, Индекс: 100083. «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.